# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 15 январь, № 10 (5940) Чоршанба


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик:

# УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

*Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида таъкидланганидек, поёнига етган 2013 йил ҳам мамлакатимиз тараққиёти, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшувчи давр бўлди.*

ИСЛОҲОТ



**Хусусан, ўтган йили аҳолининг реал даромади**

**15,7**

***фоиз ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортмагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, нарх-наво меъёрдан ошмагани халқимизнинг ҳаёт даражаси ҳар томонлама фаровонлашиб бораётганидан далолатдир.***



**СУРАТЛАРДА:** корхона тайёр маҳсулотлар цехида иш қизғин; тикувчи Зоҳида Саидғозиева (ўнгда) иш устида.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нечоғлиқ тўғри ҳамда оқилона эканлиги, айниқса, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг муҳим таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқларда яққол намоён бўлмоқда. Айтайлик, хусусийлаштириш жараёни бошланган дастлабки йилларда кичик бизнес субъектлари, асосан, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш бошлаган бўлса, эндиликда уларнинг иш тутуми ҳам, фаолият қамрови ҳам бутунлай бошқача тус олиб, иқтисодиётнинг барча тармоғида юқори натижаларга эришаётир. Айни пайтда мазкур соҳа вакилларининг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 54, умумий бандликдаги ҳиссаси 74 фоиздан ортгани, қолаверса, саноат маҳсулотларининг 90 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилаётгани бунинг тасдиғидир.

Бундай ижобий ўзгаришларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар орқали соҳа вакилларига кўплаб имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани муҳим аҳамият касб этаяпти, албатта. Нега деганда, кейинги икки йил ичида Президентимиз томонидан қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги, "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Пойтахтимиздаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Niso Tekstil Servis" масъулияти чекланган жамияти — ана шундай қулайликлардан унумли фойдаланган ҳолда, фаолиятини тобора кенгайтираётган хўжалик юритувчи субъектлардан бири.

— Дастлаб якка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлаганмиз, — дейди жамият раҳбари Мансурали Хабиялиев. — Юртимизда ишбилармонларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли фаолиятимизни йил сайин кенгайтириб бораяпмиз. Айниқса, 2010 йилда корхонамиз масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгач, ишимиз янада бароридан келди. Цехларимизни хорижнинг замонавий технологиялари билан жиҳозладик. Таъкидлаш жоизки, жамоамиз учун 2013 йил ҳам омадли ва самарали келди. Гап шундаки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёрдами билан бўш турган иншоотни сотиб олиб, уни ишлаб чиқариш корхонасига мослаштирдик. Хитойдан иккита нақш босиш, битта лазерли кесиш ва 30 дан ортиқ тикув машиналарини келтирдик. Бу, табиийки, амалда ўз самарасини берди: ўтган йили 300 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Қизилтепа туманидаги "Qiziltepa soap" масъулияти чекланган жамиятига 186 минг АҚШ долларилик илғор технологиялар келтириб ўрнатилди.*

### Сарфи кам, самараси юқори

Бунинг натижасида корхонада Навоий вилоятида биринчи бўлиб хўжалик совуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, маҳаллий ёшлардан 12 нафари иш билан таъминланди. Ҳозир бу ерда соатига икки тоннагача маҳсулот тайёрланмоқда.

— Ускуналаримиз Хитойдан келтирилган, — дейди корхона раҳбари Ёқуб Собиров. — Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати турдошларига нисбатан икки баробар юқори. Қолаверса, электр энергиясини икки-уч баробар кам сарфлайди. Бу эса маҳсулотимиз сифатини ошириш ҳамда таннархини камайтириш имконини бераяпти.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Тадбиркор Фурқат Аҳмедов малакали кадрлар бизнесда муваффақиятга эришиш омили, деб билади.*

### Муваффақият омили

Шу боис Оқдарё туманида ўзи ташкил қилган "Аҳмад-Зоҳид" хусусий корхонасига коллеж битирувчиларидан 80 нафарини ишга таклиф қилди. Интилувчан ва ғайратли ёшлар жамоаси қисқа муддатда хорижнинг илғор тикувчилик дастгоҳларини бошқаришни пухта ўзлаштириб олди. Айни пайтда мазкур корхонада юқори технологиялар асосида болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда.

Фурқат Аҳмедовнинг истиқболда режалари кўп. Хусусан, у айни пайтда катталар учун бежирим либослар яратиш устида изланишлар олиб бораётир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ховос туманида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан бир йўла тўртта лойиҳа амалга оширилиши туфайли 104 та иш ўрни яратилди.*

### Янги иш ўринлари яратилди

Уларнинг энг йириги яқинда фойдаланишга топширилган маиший хизмат кўрсатиш уйи бўлиб, у 500 миллион сўмлик маблағ эвазига ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда аҳолига интернет, маиший техника воситалари таъмирлаш, кийим-кечакларни кимёвий тозалаш каби 8 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда.

Шунингдек, алоқачилар ҳомийлигида асаларичилик, нон ва қурилиш ашёси ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари ҳам фаолият бошлади. Янги иш ўринлари яратиш мақсадида амалга оширилган лойиҳалар учун "Ўзбектелеком" ҳисобидан жами 600 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Саҳро бағрида жойлашган, 16 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган Қоровулбозор туманида айни пайтда 300 дан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатаяпти.*

### Буюртмачилар тобора кўпаймоқда

Нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Қумри Адиз мўъжизаси" хусусий корхонаси ана шулар сирасига киради. Корхона тадбиркорлари илғор ва тежамкор технологияларга таянган ҳолда маҳсулот тайёрлаш йўлини танлашган. Чунончи, вилоятда саноатни ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ, модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиб, хориждан замонавий технология харид қилингани айни муддао бўлди. Йилига 730 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур линия шарофати билан корхона мижозлари сони икки баробар ортди. Ҳозир бу ерда ўн турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, харидорларга етказилаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БАЙРАМ ШУКУҲИ

*Бахт-саодат тушунчаларининг аниқ таърифи, таснифи йўқ. Буни ҳар ким ўзича изоҳлайди, ўзича тушунади ва талқин этади. Бироқ бахтиёр яшамоқнинг энг муҳим шарти, энг асосий омили, бу — ТИНЧЛИКдир. Осойишталиксиз на фаровонликка, на тараққиётга эришиб бўлади.*

# Ватан ҳимоячилари шарафланди

Буни яхши англаган Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари мамлакатимиз хавфсизлиги ҳамда барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни ўзларининг энг муқаддас бурчи, деб билмоқдалар. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда бўлиб ўтган байрам тадбирларида ҳам ушбу жиҳатлар яна бир карра эътироф этилиб, юксак масъулиятли вазифага муносиб ҳисса қўшаётган аскар ва сержантлар, офицерлар шарафланди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида байрам тадбирлари Нукус шаҳридаги Хотира майдони зиёратидан бошланди. "Мотамсаро она" монументи пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида тадбирнинг асосий қисми бўлиб ўтди. Бу ерда ташкил этилган тантанали маросимда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимизни ташкил этиш, унинг куч-қудрати ва салоҳиятини ошириш борасида ҳаётга татбиқ қилинган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда уларнинг самаралари хусусида сўз юритилди.

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Лутфулла Яминов. — Ўтган йилнинг январь ойидан буён Шимоли-ғарбий ҳарбий округда шартнома асосида хизмат қилаяпман. Ҳарбий қисмимизда барча шарт-шароит яратилган. Хизмат жараёнида командирларимиздан замонавий қурол-яроғларни бошқариш тактикаси ва стратегиясини чуқур ўрганиб, ўқув машқларида ахборот-коммуникация технологияларидан моҳирона фойдаланаяпмиз. Бу биз, аскарларнинг ҳар томонлама яхши тайёргарликка эга бўлишимизда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тантанали маросим концерт дастури билан якунланди.

(Давоми 2-бетда).

# Бебаҳо неъмат қадри

*Мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ана шу сана муносабати билан анъанага мувофиқ, 14 январь куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари тантанали тарзда саф тортди.*

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Бош майдонимиз, айтиш мумкинки, нафақат манзараси, балки мазмун-моҳияти билан ҳам биз учун жуда қадрли. У энг улуғ, энг азиз неъмат — Истиқлолимиз тимсоли сифатида улуғворлик касб этиб турибди. Ушбу майдонга қадам қўйган ҳар бир юртдошимиз бу эзгу маскан бағрида бугунги дориламон кунларимиз, осойишта ҳаётимиз қадри ҳақида яна бир бор чуқур фикр юритади, қалбида шукроналик, фахр-ифтихор туйғулари жўш уради...

Эзгулик аркаси. Муқаддас майдонга йўл худди шу аркадан бошланади. Унинг иккала томонида виқор билан бир оёқда турган лайлаклар акс эттирилган бўлиб, у бутун халқимизнинг тинчлиги, осуда ва фаровон ҳаёти тимсоли саналади. Майдонда истиқлолимизнинг илк кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан Бахтиёр она сиймоси жой олган. Давлатимиз раҳбари таклифига биноан, бу мажмуага "Мустақиллик ва эзгулик монументи" дея ном берилган. Ушбу монумент пойига зиёратга келадиган ватандошларимиз Ер курраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўриб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ҳис қиладилар.

(Давоми 2-бетда).

# Ғурур, ифтихор, масъулият

*Инсон бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга эришишнинг омиллари кўп. Аммо улардан энг муҳими, тинч ва хотиржам ҳаёт кечиришдир. Бинобарин, ҳар қандай моддий ҳамда маънавий неъматнинг асоси осойишталик билан чамбарчас боғлиқ.*

СУРУР

Тинчлик ҳукм сурган жойда ривожланиш, юксалиш бўлади. Бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари кенг кўлам касб этади. Одамлар эзгу ниятларининг рўёбини, фарзандлари камолини кўриб, тақдирдан рози бўлиб яшашади. Байрамлар байрамларга уланади, қувончли дамлар, тўю тантаналар кўпаяди. Биз буларнинг барчасига гувоҳ бўлмоқдамиз. Таъкидлаш жоиз, мусаффо осмонимиз, Ватанимиз сарҳадлари, тинчлик, омонлигимиз Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқда. Шундай экан, шарафли ва масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ўғлонларимиз ҳар қанча эъзозга, эътиборга муносибдир.

Айни кунларда мамлакатимизда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланаётир. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг мазкур сана муносабати билан йўллаган байрам табриги барча юртдошларимиз қалбига ўзгача ғурур ва ифтихор ҳиссини бағишлади. Унда мустақиллик йилларида профессионал миллий армиямизни барпо этиш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ҳақида атрофлича сўз юритилиб, ушбу йўналишда бошланган ишларни изчил давом эттириш, глобал хавфсизликка нисбатан турли таҳдид ҳамда хатарлар кучайган ҳозирги мураккаб шароитда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш бўйича қилиниши лозим бўлган муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди.

**Отабек КАМОЛОВ,**
**II даражали "Шон-шараф" ордени соҳиби,**
**подполковник:**

— Дарҳақиқат, тарихан қисқа давр ичида Президентимиз бошчилигида барча соҳалар қатори мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Натижада бугунги кун талабларига мос, тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучларимиз вужудга келди. Эътиборлиси, ҳозир миллий армиямиз сафларида мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, икки-учта тилни биладиган, дунёқараши кенг, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, ватанпарвар ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улардаги юртга дахлдорлик, халқимизга ва Президентимизга содиқлик ҳисси кўнгилларимизда чексиз фахр туйғусини уйғотади.

Биз, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитимизни яхшилаш давлатимизнинг устувор вазифаси бўлиб келмоқда. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис қиламиз. Президентимиз табригида ҳам шу хусусда алоҳида тўхталиб, "Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий социал-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ана шу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағларини янада кўпайтириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши даркор", дея таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

# Ватан ҳимоячилари шарафланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ватан ҳимоячилари кунини ҳарбий хизматчи Бектемир Раббимовнинг оила аъзолари уч хонали шинам уйда кутиб олишди. Бухоро вилоятида бурчини ўтаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар қаторида майор Раббимовга ҳам давлатимиз томонидан уй ажратилди. Бундан хонадон аъзоларининг қувончи чексиз.

— Ўзимни юртимизнинг энг бахтли кишиларидан бири деб биламан, — дейди у. — Офицер бўлиш энг катта орзуим эди. Олий ҳарбий таълим муассасасида таҳсил олдим. Ватан посбони, деган шарафли ном эгаси бўлдим. Бундан жуда фахрланаман. Шахсан мен учун кейинги икки йил жуда омадли келди. Ҳарбий унвоним ошди. 2013 йилда эса оиламиз учун уй берилди. Бу давлатимизнинг ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган катта ғамхўрлиги ифодасидир.

Дарвоқе, биз майор Бектемир Раббимов билан Бухоро шаҳридаги Хотира хиёбонида танишиб қолдик. Бу ерда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан маросим уюштирилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, офицерлар, сержант ва аскарлар қатнашган мазкур тадбирда "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Самарқанд шаҳридаги "Концерт зали"да Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда ҳарбийлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда сўз олганлар истиқлол йилларида миллий армиямизни шакллантириш, унинг куч-қудрати ва салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар хусусида тўхталдилар. Бинобарин, Ватан ҳимояси йўлида бел боғлаган ҳарбий хизматчиларнинг бир гуруҳига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари томонидан ижро этилган дўстлик, тинчлик, она-Ватанни тараннум қилувчи куй-қўшиқлар барчага хушнудлик улашди.

Сурхондарёда байрам муносабати билан вилоят ҳокимлиги, мудофаа, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар бошқармалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шундан сўнг Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбирлари ҳарбий қисмларда, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда давом этди. Уларда уруш ва меҳнат фахрийлари, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши фаоллари қатнашиб, миллий армиямизнинг юрт тинчлигини сақлаш, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш борасидаги аҳамияти тўғрисида сўз юритдилар. Қуролли Кучлар фахрийларидан ва хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларидан хабар олинди.

Тошкент вилоятида байрамнинг асосий тантанали қисми Чирчиқ шаҳридаги муҳташам "Кимёгарлар" маданият саройида бўлиб ўтди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналари, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, шунингдек, вилоят фаоллари ва ёшлар иштирок этган маросимда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини муҳофаза қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор ва профессионал қобилият ҳамда тайёргарликка эга миллий армиямиз шаклланганини катта мамнуният билан таъкидладилар.

— Ҳар бир йигит, аввало, эл-юртимга садоқат билан хизмат қилсам, деб ният қилади, — дейди "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, сержант Расул Норматов. — Мен ҳам юртимизнинг ана шу бахтиёр фарзандлари қаторида эканимдан фахрланаман. Бугун биз, ҳарбийлар ҳар қадамда давлатимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаяпмиз. Хизматда ҳам, оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнимизга эгамиз. Бу, албатта, бизга катта куч ва беқиёс маънавий-руҳий мадад беради.

Тантанали маросимга юртимиз санъат усталари ва вилоят бадиий ҳаваскорлик жамоалари байрамона файз киритдилар.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Наманган вилояти марказидаги Хотира майдонида ташкил этилган тантанали тадбир бу ердаги "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди.

— Бу галги байрам мен учун алоҳида қувонч келтирди, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари Ёқубжон Ҳожимирзаев. — Негаки, айём арафасида Президентимиз Фармонига асосан, "Жасорат" медали билан тақдирландим. Буни соҳамиз ходимларининг фидойи хизматига бўлган эътиборнинг яна бир намунаси, деб ҳисоблайман.

Байрам доирасидаги тадбирлар Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театрида давом этди. Унинг қатнашчилари эътиборига концерт дастури намойиш қилинди. Якунда хизмат бурчини шараф билан ўтаётган аскар ва офицерлар, ёшларни муддатли хизматга тайёрлашда фаол қатнашаётган мутахассислар тақдирланди.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам тантанавор ва юксак савияда ташкил этилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



# Бебаҳо неъмат қадри

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида эса ўз онаси, баркамол авлодини кўргандек бўладилар. Она деганда, кўз олдимизда меҳрибон, жонкуяр, сабр-матонатли, муштипар аёл тимсоли гавдаланади. Уни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эҳтиром кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амалдир. Она биз учун қанчалар азиз бўлса, Ватанимиз ҳам ана шундай азиз ва табаррук.

Ватан ҳимоячилари ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида истиқлолимиз, фаровон ва осуда ҳаётимиз тимсоли бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Бу анъана замирида халқимиз учун тинчлик, омонлик, бағрикенглик мустақиллик берган энг бебаҳо неъматлар эканлиги, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз экани мужассамдир.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ғурур, ифтихор, масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай беқиёс ғамхўрлик, билдирилаётган юксак ишонч зиммамизга катта масъулият юклайди.

Келгусида ҳам мустақиллигимизни асраб-авайлаш йўлида фидойиларча хизмат қилишга, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ваъда берамиз.

**Ойбек БЕРДИЕВ, "Жасорат" медали соҳиби, майор:**

— Камтарона хизматларим қадрланиб, Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганимдан беҳад тўлқинландим. Юқори ишонч мени халқимизга, Президентимизга янада садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

Табрикда бугунги кунда дунёда ва ён-атрофимизда юз бераётган можаро ва тўқнашувлар, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда турли хавф-хатар кучайиб бораётгани қайд этиб ўтилди. Шулардан келиб чиқиб, барчамиз ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз кераклиги, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги уқтирилди. Ушбу кўрсатмалар келгуси фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолади.

**Муяссар ВОҲИДОВА, аскар онаси:**

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини эшитиб, ўғлим Азизбекнинг ҳам тинчлигимизни асраб-авайлаб келаётган ҳарбийларимиз сафида эканидан қалбим қувончга тўлди.

Она шундай зотки, ҳамиша болам дейди, унинг тақдирига ҳеч қачон бефарқ бўлолмайди. Мустабид замонда оналар фарзандини армияга минг азобда, йиғи-сиғи билан кузатишарди. Чунки жигарбандлари олис ўлкаларда, қийин шароитларда хизмат қиларди-да. Шукрки, юртимиз мустақил бўлиб, фарзандларимиз ўз она-Ватанида, бағримизда йигитлик бурчини адо этаяпти. Энг муҳими, улар ким учун ва нима учун фидойилик кўрсатаётганини яхши билади.

Яқинда ўғлим муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий қисм шарт-шароитлари билан яқиндан танишиб қайтдим. Ҳамма-ҳаммаси рисоладагидек. Зиёд бўлса зиёдки, кам эмас. Худдики ўз уйидагидек эъзозда, эътиборда болаларимиз.

Очиғи, мен бахтли онаман, дея баралла айта оламан. Фарзандимнинг ҳаётда тўғри йўлни топганини, эл корига ярайдиган инсон сифатида камолга етаётганини кўрдим. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман.

**Аброрбек ИБРАГИМОВ, "Шуҳрат" медали соҳиби, капитан:**

— Байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Унда юртимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида бундан 22 йил муқаддам қўйилган тарихий қадам ва унинг бугунги самараларига юксак баҳо берилди. Айни пайтда Ватан ҳимоячилари зиммасидаги масъулият ошиб бораётгани таъкидлаб ўтилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар туфайли аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида армиянинг нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Мен ҳам ҳарбий либос кийишни, мард ўғлонлар сафида бўлишни жуда-жуда хоҳлаган эдим. Эзгу ният қилган киши, албатта, кўзлаган мақсадига етаркан. Мана, бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилмоқдаман. Бирор дақиқа ҳам бурчимни, қасамёдимни унутганим йўқ.

Халқимиз, Президентимиз ишончини, албатта, оқлаймиз. Юртимиз тинчлигини асраб-авайлашга, уни ёмон кўзлардан сақлашга ваъда берамиз.

**Беҳзод РЎЗИБОЕВ, "Мардлик" ордени соҳиби, сержант:**

— Президентимиз табригида сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини янги, замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ҳар томонлама янгилашни назарда тутадиган, кичик командирларни тайёрлашнинг кўп бўғинли ягона тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилиб, профессионал жиҳатдан пухта тайёрланган сержантлар таркиби сўзда эмас, амалда армиямизнинг таянчи ва ўзагига айланиши зарурлиги уқтирилди. Бу мен каби сержантларни ҳарбий тайёргарлигини оширишга, замонавий услубларни чуқур ўрганишга, янада мард ва жасур бўлишга ундайди. Ишончим комил, биз Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони белгилаб берган вазифаларни маромига етказиб уддалаймиз. Масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ўз устимизда кўпроқ ишлаб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш йўлидаги ислоҳотлар самарадорлигига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

ТАДБИР

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Қуролли Кучларимизнинг 22 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди.*

# Жасорат ва фидойилик эътирофи

Таъкидланганидек, юртимиз эришаётган улкан ютуқ ҳамда марраларнинг бош омили бўлган тинчлик-осойишталикни таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Шу боис истиқлол йилларида тизимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш, унинг таркибий тузилмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва хизматни тўғри ташкил этиш ишлари изчил амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил мартдаги Фармони билан тизимнинг моддий-техник таъминоти янада яхшиланди.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида республикамизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, жамоатчилик хавфсизлигини кафолатлаш бўйича самарали тизим яратилди. Буни ички ишлар органлари ходимларининг ўзларига юклатилган вазифаларни шараф билан адо этиб, юртимизда осойишталикни таъминлаб келаётганликлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, уларнинг бундай фидойилиги ҳукуматимиз томонидан доимий рағбатлантириб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2014 йил 10 январдаги "Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан, мамлакат мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизлик ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланди.

— Она Ватанимизни қўриқлаш, халқимизнинг осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш муқаддас бурчимиздир, — дейди Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили, "Жасорат" медали соҳиби Умидбек Ҳасанов. — Бу борадаги камтарона хизматим юксак даражада баҳоланганидан хурсандман. Айни чоғда ушбу мукофот Ватан олдидаги муқаддас бурчимни бундан ҳам юқори савияда давом эттиришимга рағбат беради, десам, айни ҳақиқатдир.

*Давлат божхона қўмитасида ҳам Қуролли Кучларимизнинг 22 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим уюштирилди.*

Унда Президентимиз Фармони билан тақдирланган соҳа ходимларига давлат мукофотлари топширилди.

Эътироф этилганидек, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда, Давлат божхона қўмитаси ҳам юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, четдан қурол-яроғ, ўқ-дори ва гиёҳвандлик моддалари кириб келишининг олдини олиш, ички бозорни муҳофаза қилиш каби муҳим вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Ўтган йилда эришилган натижалар ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Бу даврда тизим ходимлари томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда 24 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, қиймати 151 миллиард сўмдан зиёд бўлган товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида ушлаб қолинди.

Бугунги кунда барча божхона комплекслари ва постлари замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан тўла таъминлангани ўз самарасини бераётир. Божхона органларида жисмоний шахслар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун "Ишонч телефонлари" ҳам йўлга қўйилган. Қўмитанинг интернетдаги веб-сайтида эса фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш механизми ишлаб турибди.

Умуман, божхона тизимида яратилган бундай кенг имкониятлар туфайли соҳа ходимлари нафақат тадбиркорлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини, айни чоғда халқимиз осойишталигини таъминлашда ўзларини ҳар томонлама намоён этмоқдалар. Тизим ходимларидан бир қанчаси давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани ҳам бунинг ўзига хос эътирофидир.

— Юртимиз ҳар томонлама юқори кўрсаткичларга эришмоқда, бунда, албатта, тинчлик муҳим омил ҳисобланади, — дейди Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси "Сариосиё" чегара божхона комплекси бошлиғи, "Жасорат" медали соҳиби Азамат Отамуродов. — Бу улуғ неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз эмин-эркин меҳнат қилишлари учун шароит яратиш биз, божхоначилардан ҳам катта масъулият ва фидойилик талаб этади. Давлатимиз раҳбари бу борадаги меҳнатимни юксак баҳолаганидан бошим кўкка етди. Бундан кейин ҳам ўз бурчимни сидқидилдан бажаришга бор кучимни сарфлайман.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун мўлжалланган янги чет тили дарсликлари тақдимотини ўтказди. "Kids' English-2", "Deutsch macht spab-2", "Hirondelle-2" деб номланган мазкур дарслик мажмуалари янги давлат таълим стандартлари ва талаблари асосида яратилган бўлиб, жорий йилнинг 11 январидан 20 мартигача республикамизнинг ҳар бир туман (шаҳар)идаги танлаб олинган умумтаълим мактабида тажрибасинов тариқасида ўқитилади.

● Жиззах вилоятида БМТ Тараққиёт дастурининг "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси доирасида 2010 — 2013 йилларда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2014 — 2017 йилларга мўлжалланган истиқболли режаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирокчилар фаолияти ўрганилди. Якунда Булунғур туманидаги "Нурли йўл" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 381-милиция таянч пункти ғолибликни қўлга киритди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори жойларда изчиллик билан ижро этилмоқда. Хусусан, Қўнғирот туманида жойлашган жазони ўташ муассасасида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг бир гуруҳи ўз оиласи бағрига қайтди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик:

# УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан "Соғлом бола йили" деб эълон қилингани айни муддао бўлди. Биласиз, ўз боласини соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли этиб тарбиялаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу анъана ҳисобланади. Албатта, фарзандни ҳар томонлама етук қилиб ўстиришнинг талаб ва омиллари кўп. Ўзимдан қиёс олиб айтадиган бўлсам, мана, ўн икки йилдирки, фарзандларимга тадбиркорлик сир-асрорларини ўргатиб келаяпман. Ҳозир уларнинг бири хом ашё олиб келиш билан шуғуллانса, бошқаси тайёр маҳсулотни буюртмачига етказиб бериш, яна бири эса тикувчилик билан машғул. Қолаверса, корхонамиз уч ёшгача бўлган болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилгани зиммамизга катта масъулият юклайди. Чунки боланинг соғлом улғайишида тарбия билан бирга, кийим ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни болани кийинтиришда унинг қандай матодан тикилганига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини мутахассислар кўп уқтиришади. Айнан шунинг учун ҳам, биз фаолиятимизда тўлиқ ўзимизда етиштирилган пахта толасидан тайёрланган табиий хом ашёдан фойдаланамиз. Ҳозирги кунда республикамиз енгил саноат тизимидаги илғор ишлаб чиқарувчилар — "Компрон текс", "Enerji teks", "BF tekstil", "Arji fashion" сингари корхоналар бу борада яқин ҳамкорларимиздир. Бундан ташқари, маҳсулотларимизни ҳар чоракда сифат ва гигиеник кўрсаткичлар бўйича текширувдан ўтказиб турамиз.




**СУРАТДА:** нақш босиш усталари Зебо Баҳодирова ва Илмира Камолова.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Чиндан ҳам, бугунги кунда мазкур корхона маҳсулотларига харидор кўп. Бу ердан ҳар ойда республикамизнинг турли ҳудудларига 30-35 миллион сўмлик маҳсулот тарқатилади. Шунингдек, жамоанинг турли танловларда совринларни қўлга киритаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Масалан, корхона 2006 йилда Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида "Энг яхши дебют" деб тан олинган бўлса, 2011 йили "Энг яхши оилавий бизнес" йўналишида ғолиблар қаторидан жой олди. Бу ҳам юртимизда тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг фаолияти муносиб баҳоланаётганига яққол мисолдир.

Мухтасар айтганда, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиёти равнақини белгиловчи, таъбир жоиз бўлса, уни дунё бозорига танитувчи муҳим тармоқ сифатида эътироф этилаётир. Зеро, бу соҳа вакилларининг жамиятимиз тараққиёти ва халқимиз турмуши фаровонлашувига қўшаётган ҳиссаси кўзга яққол ташланмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Qishloq Qurilish Bank

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда кенг кўламли янгиланишлар юз бермоқда. Бунда, хусусан, молия муассасалари ўзига хос таянч бўлаётгани диққатга сазовордир.*

«Қишлоқ қурилиш банк»:

# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Айтайлик, очиқ акциядорлик тижорат банки — "Қишлоқ қурилиш банк" Фарғона вилояти минтақавий филиали томонидан йўналтирилаётган кредитлар, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда. Масалан, ўтган йили ушбу банк томонидан 123,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиб (бу кўрсаткич аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 1,8 марта ёки 54,3 миллиард сўмга кўп), 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, унинг кредит қўйилмалари қолдиғи 203,1 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, филиал томонидан барча манбалар ҳисобидан берилган кредитлар эвазига эса 1602 та иш ўрни яратилиб, шунча кишининг бандлиги таъминланди.

Мижозларга тақдим этилган кредитларнинг муддати жозибадор бўлганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Йил якунларига кўра, жами кредит қўйилмаларининг 92,8 фоизи ёки 188,5 миллиард сўми узоқ муддатли ҳамда 14,6 миллиард сўми ёки 7,2 фоизи қисқа муддатли кредитлар эканлиги бунинг тасдиғидир.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, шу асосда қабул қилинаётган Давлат дастурлари нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий жабҳаларнинг тубдан ривожланишини таъминлаб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтираётир. Жумладан, 2013 йилда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 1,4 марта ёки 9,5 миллиард сўмга ортиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, 30,6 миллиард сўмга етди. Аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида берилган микрокредитлар миқдори эса 10,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар ёки 4,1 миллиард сўмга кўпдир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам ибратли ишлар бажарилди. Аниқроғи, юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш ўринларини яратиш учун филиалнинг қарийб 6,2 миллиард сўмлик кредитлари йўналтирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан эса, банк томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми бултур 10,3 миллиард сўмни ташкил этди. Яъни ушбу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 1,5 баробар ёки 3,5 миллиард сўмга ортди.

Сир эмас, юртимизда аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик уларни янада фаол бўлишга ундамоқда. Бунда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, 2013 йил давомида банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 2,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилдики, бу, ўз навбатида, уларнинг эзгу мақсадларига эришишларида кенг имкониятлар эшигини очди.



*Шунингдек, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қулай ва шинам уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш учун 5,7 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди. Бу кўрсаткич ҳам аввалги йилдагига нисбатан 1,7 баробар ёки 2,4 миллиард сўмга кўпдир.*

Банк жамоаси ўсиб келаётган навқирон авлоднинг маънавий етук ва ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишиши, билим олиш имкониятларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Хусусан, олий ўқув юртларига шартнома-контракт тўлови асосида қабул қилинган 84 нафар йигит-қизга 360,3 миллион сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилган бўлса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ 53 та лойиҳасини молиялаштириш учун 1,1 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар тақдим этилди.

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги "Тошлоқ Диёра Бону" масъулияти чекланган жамияти филиалнинг шундай имтиёзли кредити ҳисобидан ташкил қилинган бўлиб, бу ерда калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Жамият раҳбари 21 ёшли Оллоёр Абдуллажонов эса Марғилон иқтисодиёт коллежини битирган.

— 2013 йилнинг май ойида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Фарғона минтақавий филиалидан 20 миллион сўм миқдорида кредит олишга қарор қилдим, — дейди ёш тадбиркор. — Банк ходимларининг маслаҳатлари ва амалий ёрдамлари билан қисқа муддатда ниятимга эришдим. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг корхонамизда 7 та иш ўрни очилди. Жорий йилда ҳам банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланиб, жамиятимиз қувватини ошириш учун замонавий дастгоҳлар харид қилган ҳолда, қўшимча иш ўринлари яратмоқчимиз.

Мухтасар айтганда, филиал томонидан амалга оширилаётган бундай эзгу ишларнинг саноғи йўқ. Бу эса вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш, пировардида ҳудуд иқтисодиётини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН 10 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 25 ноябрдаги 61-мҳ, 17, 01-02/21-30, 330В-сонли қарори.*

**2014 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2549 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

2. «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва инструктор-методистларига малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2013 йил 25 декабрдаги 1323-сонли буйруғи.*

**2014 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2550 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

3. «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 30 декабрдаги 116, 2013-47-сонли қарори.*

**2014 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2551 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

4. «Ҳаво транспортида юк ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 6 декабрдаги 36-Н-сонли буйруғи.*

**2014 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2552 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

5. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 8, 90-қ/қ, 117-сонли қарори.*

**2014 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2553 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

6. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 59-ққ, 45, 89-қ/қ-сонли қарори.*

**2014 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2554 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

7. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счетлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг баъзи бандларининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 120-сонли буйруғи.*

**2014 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2101-2 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

8. «Аукцион савдолар ўтказиш учун биржаларни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 10 январдаги 8-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1625-1 (2014 йил 13 январдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари» *(рўйхат рақами 2412, 2013 йил 16 январь). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 8 январдаги 3-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарор *(рўйхат рақами 2507, 2013 йил 9 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 8 январдаги 5-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

3. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари» *(рўйхат рақами 2504, 2013 йил 28 август). Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 10 январдаги 6-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

ИНТИЛИШ

## Тежамкор ва унумдор

*Узун туманида "Ҳусанбек-Асомбек" хусусий корхонаси ташкил этилди. Бу ерда тадбиркор Бахтиёр Норбоев томонидан металл томёпқичлар ҳамда эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

— Хориждан келтирилган технологиялар энергия тежамкорлиги ҳамда унумдорлиги билан ажралиб туради, — дейди тадбиркор. — Қувонарлиси, янги ускуналар асосида тайёрланаётган пишиқ ва мустаҳкам қурилиш молларига ҳозирданоқ буюртмалар тушмоқда. Ушбу бизнес-режамиз шарофати билан Янги куч маҳалласи ёшларидан 12 нафари доимий иш билан таъминланди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Реклама ва эълон

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «Sovplastital» ОАЖ кузатув кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиши қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-квартал, Катта Қаъни кўчаси, 35-«А» ва 35-«Б» уй манзилида жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда

***Бошланғич баҳоси — 5 371 371 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 3 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 31 январь куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 3 февраль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 10, 17, 24 февраль, 3, 10, 17, 24, 31 март ва 7 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10 февралдаги савдо учун — 7 февраль, 17 февралдаги савдо учун — 14 февраль, 24 февралдаги савдо учун — 21 февраль, 3 мартдаги савдо учун — 28 февраль, 10 мартдаги савдо учун — 7 март, 17 мартдаги савдо учун — 14 март, 24 мартдаги савдо учун — 20 март, 31 мартдаги савдо учун — 28 март, 7 апрелдаги савдо учун — 4 апрель кунлари соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома, жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-80-26. www.1kms.uz**

84А/1453

*Лицензия: RR-0001.*

**POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

**Micros®**
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***
- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.**

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**

**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

*Маҳсулот сертификатланган*

**- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

33R/770

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Германиянинг "Volkswagen" автомобилсозлик компанияси беш йил мобайнида Шимолий Америкада ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун етти миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтиради.*

## Сармоя киритилади

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, бу сармоя ҳар қандай мураккаб йўлларда ҳаракатланишга мослаштирилган автомобилларни йиғишга сарфланади. 2016 йилдан ана шундай русумдаги етти ўринли дастлабки машиналарни ишлаб чиқариш бошланади. Компания мазкур чора-тадбирлар орқали 2018 йилга бориб Шимолий Америкада йилига бир миллион донагача автомобиль сотишга эришмоқчи.

Ҳозир АҚШ ва Мексика мамлакатларида "Volkswagen"нинг корхоналари фаолият олиб бормоқда.

## Фаолиятида рекорд кўрсаткич

*Ўтган йили Европа самолётсозлик корпорацияси — "EADS"нинг буюртмалари сони саксон фоиз ошган.*



Аниқроғи, мазкур даврда у 1503 та самолёт етказиб бериш учун шартнома имзолаган. Бу миқдор "EADS" фаолиятидаги рекорд кўрсаткич ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2013 йилда мижозларга 626 дона самолёт етказиб берилган. Унинг асосий рақобатчиси "Boeing" эса бу даврда 648 та ҳаво лайнери тайёрлаган.

Гарчи "EADS" йил кўрсаткичлари бўйича "Boeing"дан ортда қолган бўлса-да, буюртмалар миқдори борасида анча илгарилаб кетган. Яъни айни пайтда у 5559 дона самолёт етказиб бериш учун буюртмага эга. "Boeing"да эса бу рақамлар 5080 тани ташкил этмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, "EADS" жорий йилдан бошлаб "Airbus Group" номи остида фаолиятини давом эттирмоқда.

## Қадимий чақанинг қиймати

*АҚШнинг қадимий олтин танга пулларидан бир донаси кимошди савдосида 4,58 миллион АҚШ долларига сотилди.*



1787 йилда чекланган миқдорда зарб қилинган ушбу чақанинг оғирлиги 26,6 грамм. Унинг қиймати эса ўша пайтда 15 АҚШ долларига тенг бўлган.

Ҳозирги кунга қадар ушбу олтин тангалардан атиги олти донаси сақланиб қолган. 2011 йилда улардан бири кимошди савдосида 7,4 миллион АҚШ долларига сотилган.

## Қўшалоқ китлар

*Калифорния яримороли жанубидаги Охо-де-Льебре кўрфазидан бири-бирига қўшилган ҳолда туғилган эгизак кулранг кит болаларининг жасади топилди.*

Уларга маҳаллий "Guerrero Negro Verde" экология ташкилоти хизматчилари дуч келишган.

Эгизакларнинг бўйи икки метрдан бир оз узун. Аслида эса кулранг китларнинг боласи 3,5 метрдан 5 метргача узунликда туғилади. Шу боис олимлар улар муддатидан олдин дунёга келганини тахмин қилишмоқда. Кит болаларининг ўлимига нима сабаб бўлгани ҳақида маълумотлар йўқ.

Шу пайтгача финвал, сейвал ва бошқа баъзи кит турлари орасида сиам эгизаклари борлиги аниқланган эди. Калифорния кулранг китлари ичида бундай ҳолат биринчи бор кузатилмоқда.

## Энг яхшилар аниқланди

*Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА)нинг 2013 йил якунларига бағишланган маросими бўлиб ўтди.*

Унда 2013 йилнинг "Энг яхши футболчиси"га аталган "Олтин тўп" соврини Испаниянинг "Реал" (Мадрид) ва Португалия терма жамоаси ҳужумчиси Криштиану Роналдуга топширилди.

Хотин-қизлар футболида Германия терма жамоаси аъзоси Надин Ангерер "энг яхши" дея эътироф этилди.

Тадбирда ФИФА президенти соврини Миллий олимпия қўмитасининг собиқ раҳбари Жак Роггега топширилди. "Энг яхши мураббийлар" учун аталган совринлар германиялик мутахассислар Юпп Хайнкес ("Бавария") ва Силвия Найт (Германия аёллар терма жамоаси)га берилди. "Ҳалол ўйин" — "Fair Play" мукофотини Афғонистон футбол федерацияси қўлга киритди. "Энг чиройли гол" муаллифи учун ажратилган "Ференц Пушкаш" номидаги совринга Швеция терма жамоаси ва "ПСЖ" клуби ҳужумчиси Златан Ибрагимович лойиқ кўрилди. Рамзий "Олтин тўп" соврини афсонавий бразилиялик футболчи Пелега берилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

"Ўзагромашсервис" уюшмаси жамоаси "Агротехтаъмир" ИЧБ бошқарув раиси Ҳаким Зоҳидовга волидаи муҳтарамаси
**Зуҳра ая ЗОҲИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЭЪТИБОР

*Олот туманида туғилиб, вояга етган Нусратжон Мустоқов интилувчан, ўқиб-ўрганишдан чарчамайдиган, бўш вақтини мазмунли ўтказадиган ёш замондошларимиздан. У ҳозир Бухоро муҳандислик-техника институтининг кимёвий технология факультетида таҳсил олмоқда.*

# ОНА ЮРТГА САДОҚАТ

## ёшларимиз қалбида жўш уриб турган юксак туйғудир

— Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчимни ўтадим, — дейди у. — Чегара қўшинлари таркибидаги муддатли ҳарбий хизмат чинакам ҳаёт мактабига айланди. Тобландим. Дунёқарашим кенгайди. Ватан ҳимоячиси деган номга муносиб бўлишга интилдим. Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олиб, белгиланган имтиёздан фойдаланиб, олий ўқув юртига ўқишга кирдим. Бундан жуда ҳам қувондим. Айниқса, ота-онамнинг хурсандчилигини айтмайсизми?! Ҳар гал дуога қўл очганда, юртимизга тинчлик-омонлик сўрашади, “Элимизга нафи тегадиган яхши мутахассис бўлсин”, дея ният қилишади.

Мустоқовлар хонадонида икки ўғил вояга етди. Тўнғич фарзанд Шерзоджон ҳам муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, имтиёз билан қайтган. Тошкент давлат техника университетида ўқиди. У айни пайтда Зарафшон шаҳрида яшаб, меҳнат қилаяпти. Навоий кон-металлургия комбинатининг малакали мутахассисларидан бири. Нусратжон эса ота изидан бормоқда. Дарвоқе, хонадон соҳиби Бобоқул Мустоқовни олотликлар яхши билишади. “Олот нефть ва газ экспедицияси” шўъба корхонасида узоқ йиллардан буён пармаловчи сифатида фаолият кўрсатаётган бу инсон давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бобоқул ака — “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби.

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини телевизор орқали диққат билан томоша қилдим, кейин газетадан қайта-қайта ўқиб чиқдим, — дейди у. — Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик мамлакатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллардан бири сифатида ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимизни эътироф этиб ўтдилар.

Бинобарин, ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликни, айниқса, фарзандларим мисолида яққол кўриб турибман. Қаранг, ҳар икки ўғлим ҳам муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтди. Армия улар тақдирида ижобий маънода катта бурилиш ясади. Баъзан дастурхон атрофида Нусратжон билан институтдаги янгиликлар ҳақида суҳбатлашамиз. Яқинда ўғлим замонавий ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганини, яна бири капитал реконструкция қилинаётганини, учинчи ўқув биноси пойдевори қўйилганини, бўш вақтини эса ўтган йили фойдаланишга топширилган кўркам спорт зали, замонавий кутубхонада ўтказишини айтиб берди. Атайин йўл босиб, томоша қилгани бордим. Кутганимдан ҳам зиёда экан. Шундай нуфузли олий ўқув юртида ўғлим ҳам ўқиётганидан яна бир карра севиндим.

Институтда Нусратжонга ўхшаб, Қуролли Кучларимиз сафида ўз бурчини ўтаган, тегишли имтиёз кўмагида ўқишга кирган кўплаб йигитларни учратиш мумкин. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бошланғич ташкилоти етакчиси Нодиржон Салиҳов уларнинг ўқиш ва жамоат ишларида фаол эканликлари тўғрисида тўлқинланиб сўзлади.

— Олий таълим муассасамизда армияда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар маркази фаолият кўрсатмоқда, — дейди “Камолот” ЁИҲ томонидан ўтказилган “Энг фаол етакчи” республика танлови ғолиби бўлган Н. Салиҳов. — Бу марказ биз билан ҳамкорликда талабаларнинг “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракатидаги иштироки, жамоат ишларидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳисса қўшади. Ўз навбатида, биз тегишли қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт асосида ўқишга кирган, ташкилотимиз фаолиятида фаол қатнашаётган талабаларни қўллаб-қувватлаяпмиз. Уларга шартнома суммасининг 35 фоизи тўлаб берилаяпти. Чунончи, ўтган ўқув йилида бир гуруҳ талабаларга худди шу йўсинда моддий ёрдам кўрсатилди.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлиб, олий ўқув юртига ўқишга кирган талабаларимизнинг ўзларига нисбатан талабчанликлари эътиборни тортади, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, институт Менежмент кафедраси мудири, доцент Д. Рўзиева. — Улар машғулотларда фаол қатнашишади. Дарсларни яхши ўзлаштиришади. Бундай талабалар эртага етук мутахассис бўлиб етишишларига ишончимиз комил.

Дарҳақиқат, армия деб аталган ҳаёт мактабида чиниққан, айни дамда давлатимиз берган имтиёзлардан фойдаланиб, олий ўқув юртларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлган салоҳиятли ёшлардан умид катта. Улар, албатта, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланди

*Яқинда Токио Хорижий тадқиқотлар университетида (TUFS) IV Ўзбекистон — Япония академик форуми бўлиб ўтди. Унда Васеда, Нагоя, Мейжи ва Цукуба университетларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда Кунчиқар мамлакат олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар қатнашди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбир чоғида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг замонавий ҳолати ҳамда унинг ривожланиши истиқболларига бағишланган қатор маърузалар тингланди.

Анжуманнинг очилишида сўзга чиққан **Токио Хорижий тадқиқотлар университети вице-президенти К. Хаяши хоним** мамлакатларимиз ўртасида таълим жабҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва унинг кўламларини кенгайтириш масаласига Япония катта эътибор билан қарашини маълум қилди. Унинг айтишича, ҳозирги вақтда Токио университети томонидан Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан сермаҳсул алоқалар йўлга қўйилган. Буни қатор қўшма илмий тадқиқот лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилаётганида ҳам кўриш мумкин.

К. Хаяши Япония таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг билимга чанқоқ ва тиришқоқлиги ҳақида тўхталар экан, бу республика раҳбарияти томонидан баркамол авлодни тарбиялаш масаласига қаратилаётган улкан эътиборнинг натижаси эканлигини таъкидлади.

**Токио Хорижий тадқиқотлар университетининг Ўзбек тили факультети раҳбари, профессор Х. Комацу** икки мамлакат илм-фан доиралари вакиллари ўртасида ўзаро фикр алмашиш учун қулай ва самарали минбарга айланган Ўзбекистон — Япония академик форумининг ишига юксак баҳо берди. “Дарҳақиқат, ўзбекистонлик талабалар фаннинг иқтисодиёт, тилшунослик ва ҳуқуқшунослик сингари йўналишларида чуқур билимларга эга эканликларини намоён қилишмоқда. Ҳозирги вақтда факультетимизда 25 нафар япон талабаси ўзбек тилини ўрганаяпти. Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш истагидамиз”, деди япон профессори.

**Университет талабаси У. Хирота** республикамизда таълим жабҳасида рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлардан яхши хабари бор эканлигини маълум қилди.

— Ўзбекистон бўйлаб сафарим чоғида қуёшли ўлкангиз бағрида қад кўтарган тарихий шаҳарларнинг маҳобати, бетакрор гўзаллиги ҳамда ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлиги менда унутилмас таассуротлар қолдирди, — деди у.

Бўлиб ўтган анжуман доирасида Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси тақдимоти ҳам ўтказилди.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

Реклама ўрнида







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 613 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5